2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

2020 йил январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 2 (2), 28 январь 2020 йил, сешанба

Тошкент халқаро инвестиция форуми юқори савияда ўтади

Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь куни Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ташкил этиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланди. Бу борадаги қонунчилик янгиланиб, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланди.

Якунига етган Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард доллар ёки 3,7 баробар ўсди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилиши, жорий йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этди.

Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 5,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш белгиланган. Шу мақсадда март ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши режалаштирилган.

Форумнинг асосий мақсади иқтисодиёт драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришдир.

Йиғилишда ушбу анжуманни юқори савияда ташкил этиш борасида аниқ ташкилий вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари билан бирга хорижий инвесторларга таклиф этиладиган истиқболли лойиҳалар бўйича тақдимот материаллари тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторлар ўртасида бевосита ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирлигига етакчи хорижий компаниялар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини форумга жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Анжуман ўтказиладиган жойларни юқори савияда тайёрлаш, уни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш ва ёритиб бориш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мутасаддилар форумга тайёргарлик ишлари ва эришилиши мўлжалланаётган келишувлар ҳақида ҳисобот берди.

ЎзА

Тиббиёт ва илм-фан соҳаларида долзарб масалалар таҳлил қилиниб, қўшимча вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги фармонига мувофиқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Касалликни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолини патронаж билан қамраб олиши, ҳудудий шифохоналар билан маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши зарурлиги қайд этилди. Бунда тиббий маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илғор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

16 та ихтисослашган марказ касалликлар кўрсаткичини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг олдини олиш чораларини кўриши, ўз фаолиятини ҳудудларда ташкил этиб, бирламчи тизим билан хамкорликда ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу марказларни янада ривожлантириш учун хусусий ва хорижий инвестициялар йўналтириш муҳимлиги қайд этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкил этиш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу ўринда Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам хизмати чақириқларни автоматик қабул қилиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ рақамлаштирилгани ҳамда 150 та махсус "Форд" автомобиллари билан таъминланганини қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни 2020-2021 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларига босқичма-босқич татбиқ этиш, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳада кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 минг 900 та умумамалиёт шифокори, 10 мингта тор мутахассис етишмайди. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий этиш 5 фоиздан ҳам ошмайди.

Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталари туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, 2020 йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилади.

Йиғилишда мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, туб ислоҳотларни мактаб таълимидан бошлаб илмий-тадқиқот муассасаларигача қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари фаннинг белгиланган соҳаларига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎзА

Рақамли иқтисодиёт: тараққиёт сари қисқа йўл

Санобар ЖУМАНОВА,
журналист

Башарият иқтисодиёт тармоқлари ўзгариши, бу жараённинг рақамлашуви, мобиллашуви, соҳага сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда. 2022 йилга келиб дунё ЯИМнинг қарийб чорак қисми рақамли секторга тўғри келиши прогноз қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурати янада долзарблашади. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётни жорий этишга аллақачон киришилган.

"Рақамли тенгсизлик — тенгсизликларнинг дояси" бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларини рақамлаштириш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, иқтисодий равнақ топиш, аҳолига қулайликлар яратишнинг асосий шартидир.

ЯНГИ ИҚТИСОДИЁТ НИМА?

Бугун жадаллик билан кечаётган рақамлашув жараёни "янги иқтисодиёт"-ни вужудга келтирди. Кам ўрганилган ва кун сайин чуқур томир отиб бораётган бу бозор сегменти ишлаб чиқарувчиларга бизнесда самарали маркетинг компаниялари уюштириш, минимал харажат қилиб, максимал фойда олиш, товар ва хизматларни муваффақиятли сотишнинг оптимал усулларини тақдим этади. Истеъмолчи, харидор ва мижозларга сифатли хизмат, қулайлик яратилади. Бу вақтингиз тиғиз пайтида интернет орқали тушликка буюртма бериш, мобиль илова орқали такси чақириш, узоқдаги яқинингизга пул жўнатишдан кўра, кенгроқ имкониятлар бўлиб, трансчегаравий бизнес ҳамкорлик, электрон тижорий майдон, масофавий офис кабиларни ҳам қамраб олади.

Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес, электрон тижорат билан боғланган, рақамли товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган ва тақдим этаётган иқтисодий фаолиятдир.

Бунда иқтисодий хизмат ва товарлар учун ҳисоб-китоблар электрон пул орқали амалга оширилади. Рақамли иқтисодиёт концепцияси атомдан битга, яъни кимёвий энг кичик заррадан электрон бирликка ўтишга асосланади.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаровнинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт алоҳида фаолият турини эмас, балки ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади.

Рақамли иқтисодиёт йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

ЯИМ 30 ФОИЗ ОШАДИ

— Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоиз оширади, шунинг баробарида, хуфёна иқтисодиётга барҳам беради, — дейди "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — Халқаро амалиётга юзланадиган бўлсак, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкинг ва бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида юқори самара бермоқда. Давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

Халқаро экспертлар луғатида "Янги Ўзбекистон" атамаси пайдо бўлди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётининг аниқ мақсад ва йўналишларини акс эттирди. Давлат ва жамият ҳаётини янгилаш, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш стратегияси сифатида баҳоланаётган ушбу муҳим ҳужжатга хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, академик доиралари ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ялчин ТОПЧУ,
Туркия Президентининг бош маслаҳатчиси:

— Мурожаатнома Ўзбекистон учун янги ва кучли ғояларга тўла бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев давлат идоралари фаолиятидаги камчиликларни очиқчасига таъкидлаб, дадил концептуал қарашларни, тараққиётга қаратилган ҳаракатлар алгоритмини таклиф қилди. Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакат раҳбари республика аҳолисининг манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишда кўплаб тақиқларни кўтарган. У вазирликлар ва идораларнинг парламент билан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тадбиркорлар ва оддий фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлигининг анахронистик тизимидан воз кечишга чақирди.

Бир сўз билан айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев кўз олдимизда Ўзбекистонга илгари хос бўлмаган давлат бошқаруви услуби ҳақидаги стереотипларни бузмоқда. Шунинг учун ҳам халқаро экспертлар луғатида "Янги Ўзбекистон" атамаси пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ишонч билан айтиш керакки, Ўзбекистон ривожланишнинг янги, замонавий, янада динамик даражасига кўтарилди: бу ерда давлат органлари ва одамлар ўртасидаги кенг мулоқот одатий ҳолга айланмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда демократлаштириш эндоген ҳодисага айланиши муҳим. Президент Шавкат Мирзиёев билан мамлакат янги тараққиёт поғонасига кўтарилишига ишончимиз комил.

Цзян ЯНЬ,
Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномаси менда катта таассурот қолдирди. Унда келгуси йиллар учун мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг аниқ босқичлари кўрсатилган.

Ўзбекистонда жорий йил Илм, маърифат ва рақамли технологияларни ривожлантириш йили, деб эълон қилинди.

Дунё тўртинчи саноат инқилобини бошдан кечирмоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш ушбу босқичнинг муҳим хусусиятидир.

Шу муносабат билан Шавкат Мирзиёев ўз вақтида аниқ чоралар кўрмоқда. Хитойнинг бу борадаги тажрибасини инобатга олганда, Ўзбекистон билан мазкур соҳадаги муносабатларимиз янада мустаҳкамланади.

Бу йил Хитой камбағалликни камайтириш жараёнининг сўнгги босқичини якунламоқда. Мамлакатимизнинг ҳар йили 13 миллион кишига ёрдам кўрсатиши ушбу йўналишдаги ишлар сирасидан. Эътиборга лойиқ жиҳати — Ўзбекистон раҳбари ўз Мурожаатномасида ушбу муаммо юзасидан мамлакатдаги ҳолат ва уни бартараф этиш бўйича аниқ ва мақсадли фикрлар билдирди.

Мурожаатнома билан таниша туриб, Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш устувор вазифа эканига яна бир бор амин бўлдик.

Витторио ЖОРЖИ,
Ўзбекистоннинг Молизе ва Кампания ҳудудларидаги (Италия) Фахрий консули:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси мамлакатдаги сўнгги уч йиллик улкан ижобий ўзгаришларни акс эттириш баробарида ислоҳотларнинг кейинги босқичини белгилаб берди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муҳим ўрин эгаллаши учун истиқболдаги зарур марралар белгиланган.

Давлат раҳбари мактаблар ва университетлар тизимидаги ислоҳотларни мисол қилиб келтирди ва чет эл университетлари билан яқиндан алоқалар ўрнатиш муҳимлигини таъкидлади. Бу Президентнинг Ўзбекистон келажагига айланадиган янги авлод кадрларини тайёрлашни такомиллаштиришдаги интилишни акс эттирди.

Ўзбекистоннинг молия, иқтисодиёт соҳасида, жумладан, Жаҳон банкининг "Doing Business" халқаро рейтингидаги ўрни яхшиланиши хорижий инвесторларни мамлакатни янада ривожлантириш лойиҳаларига фаол сармоя киритишга чорлайди.

Президент кичик ва ўрта бизнесни, мамлакат иқтисодий ривожланишининг янги йўналишларини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади.

Давлат раҳбари эътибор қаратган яна бир муҳим жиҳат – ҳар бир мамлакат учун умумий ва долзарб бўлган коррупцияга қарши курашиш масаласи. Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этиш ғояси иқтисодий ва ижтимоий ўсиш, юртингизнинг ижобий имижини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда сўнгги парламент сайлови ҳар қачонгидан-да очиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтди. Парламентда кўпроқ ўринга эга бўлиш учун сиёсий партиялар ўртасидаги дебатлар бунга мисол бўла олади. Бу фуқароларнинг жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлигини ошириш, давлат бошқаруви соҳасига кенг жалб қилиш, шунинг баробарида, уларнинг демократик сиёсий тизимнинг фаол иштирокчиси эканликларини ҳис қилишига ёрдам беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномада Ўзбекистон истиқболини аниқ белгилаб берди. Бунга ҳамоҳанг равишда ўзбек халқи ҳам ўзининг маданий анъаналари, замонавий қараш ва очиқлик тамойили асосида янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги ислоҳотларни илгари суришда янада фаол бўлишига ишонамиз.

Давоми 2-бетда

Қаерда бюрократия, порахўрлик ва коррупция жиловланган бўлса, ўша ерда демократия ва фуқаролик жамияти кучлидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 28 январь, 2-сон

Хавфсизлик, оқилона ташқи сиёсат ва сўз эркинлиги

янги ислоҳотлар даврида ҳам аҳамиятини сақлаб қолади

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига тақдим этган навбатдаги Мурожаатномаси Ўзбекистонни жадал ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган дастуриламал сифатида экспертлар томонидан чуқур ўрганилиб, таҳлил этилмоқда. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти маъсул ходимларининг бу борадиги фикрлари билан қизиқдик.

Баҳром СОТИБОЛДИЕВ,
институт бўлим бошлиғи:

— Муҳтарам Президентимиз дунёнинг айрим минтақаларида сақланиб қолаётган нотинч ва мураккаб вазият ҳамда турли можаролар Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш, осойишта ҳаётимизни сақлаш, мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимиз кераклигини тақозо этаётганини таъкидлади.

Бу борада Қуролли Кучларимиз учун кенг кўламли устувор вазифалар ва амалий чора-тадбирлар белгилаб берилганига алоҳида эътибор қаратди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, мамлакат ташқи хавф-хатарлардан кафолатли ҳимояланмас, турли кўринишдаги эҳтимолий тазйиқларга қарши тайёр бўлмас экан, амалга ошириладиган кенг кўламли ислоҳотлардан натижа кутиш мушкул.

Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда нафақат қўшинларимизнинг жанговар ҳолати, балки халқимизнинг маънавий-руҳий етуклиги, сергаклиги ва турли ёт ғоялардан ҳимояланганлик даражаси ҳам катта аҳамият касб этади.

Азиз КАРИМОВ,
етакчи илмий ходим:

— Мурожаатномада юртимизнинг ташқи сиёсатдаги кейинги истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ташқи сиёсатда халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб олиб борилаётган фаол, очиқ ва прагматик руҳдаги мулоқотни давом эттиришини таъкидлади.

Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ва халқаро муносабатлар тизимига жадал интеграциялашуви кучайишини билдирибгина қолмай, давлатимиз ташқи майдонда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўз ўрнини мустаҳкамлашга бўлган қатъий интилишини давом эттиришидан далолат беради.

Бу, аввало, халқимизнинг олий манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ва иқтисодиётимизни тубдан модернизациялашга хизмат қилади. Зеро, бирорта мамлакат ташқи олам, хусусан, дунёнинг етакчи мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатмай туриб, тараққиётнинг юқори марраларини забт этиши амримаҳол.

Ўзбекистон олиб бораётган оқилона ташқи сиёсат минтақада ҳукм сураётган барқарор ҳолат ва мамлакатимиз теварагида хавфсизлик тобора мустаҳкамланаётганида яққол акс этмоқда. Яхши қўшничилик алоқалари кўптомонлама манфаатли иқтисодий шериклик муносабатлари билан уйғунлашиб, янгича мазмун ва аҳамият касб этяпти. Бу борада давлатимизнинг савдо ҳамкорлари орасида минтақа давлатлари асосий ўрин эгаллаганини эътироф этиш жоиз.

Турсунбой ЗИКИРОВ,
институт бўлим бошлиғи:

— Бу тарихий ҳужжатда юртимизда ўтган уч йил давомида амалга оширилган ислоҳотлар чуқур таҳлил қилиниб, жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган муҳим йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари ҳамда блогерларнинг эркин фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада олиб борилаётган изчил сиёсат мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим омили эканини яна бир бор таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг “Мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман”, деган сўзлари Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини чинакам “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш борасидаги кенг қамровли ислоҳотлар бундан кейин ҳам давом этишидан ҳамда бу муҳим масала доимо диққат марказида бўлишидан дарак беради.

Халқаро экспертлар луғатида “Янги Ўзбекистон” атамаси пайдо бўлди

Бошланиши 1-бетда

Томас ГЛАУБЕН,
Лейбниц номидаги Иқтисодий ўтиш давридаги давлатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш институти директори (Германия):

– Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида 2020 йилда мамлакат олдида турган кўп вазифалар, мақсадларни белгилаб берди. Янги таркибдаги парламент ва ҳукумат эса халқнинг умидларини оқлаши керак.

Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат келажаги учун астойдил қайғураётгани ва бор куч-ғайратини сафарбар этаётганини кўрмоқдамиз. Фикримча, Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси сўнгги уч йилда амалга оширилган ўзгариш ва ислоҳотларнинг муҳим босқичи бўлди. Бошқа томондан, бу кейинги ривожланиш ҳаракатларига янги туртки ҳамдир.

Илм-фан соҳаси вакили сифатида Ўзбекистоннинг олий ва ўрта махсус таълим тизими, хорижий университетлар билан ҳамкорликка қаратилган истиқболдаги ислоҳотлари ҳақида эшитиш мен учун қизиқарли бўлди. Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши, аввало, замонавий билим ва кўникмага эга кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишни тақозо этади. Зеро, улар Ўзбекистон келажагидир.

Молия ва иқтисодиёт соҳаларида мамлакат эришаётган ютуқлардан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. “Doing Business” рейтингида Ўзбекистон ўз ўрнини яхшилагани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу, шубҳасиз, хорижий инвесторларни мамлакат ривожланишига имкон берадиган янги лойиҳаларга сармоя киритишга ундайди.

Яна бир жиҳат – қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича янги ташаббуслар ҳақида сўз юритиш даркор. Президент босқичма-босқич бозор талабларига ўтиш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси амалиётидан воз кечиш, соҳани ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш зарурлигини таъкидлади. Сир эмас, қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий этмасдан фермерлик тизимида натижага эришиш мушкул. Шу маънода парламент давлат раҳбари белгилаб берган режаларни рўёбга чиқаришда қатъий интилишини намойиш этиши керак.

Ушбу жараёнларда Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, хусусан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ҳамкорликка тайёрмиз. Бу борадаги илк қадам институтимизда ўзбекистонлик мутахассислар учун ажратиладиган ўринлар сонини оширишдан бошланишини маълум қилмоқчиман. Шу билан бирга, ҳудудлар ҳосилдорлигини ошириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш лойиҳаларини бажаришда яқиндан шерикликни таклиф этамиз.

Мина Сингх РОЙ,
Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти эксперти:

– Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев парламентга Мурожаатномасида 2020 йилги энг муҳим вазифалар ва долзарб муаммолар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Мурожаатномада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда олиб борилаётган янгича сиёсатнинг узвий давомидир.

Ҳужжатда қайд этилган долзарб масалалардан бири бу мамлакатнинг транзит салоҳиятидан кенг фойдаланиш бўйича билдирилган фикрлар, деб ҳисоблайман. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви жиҳатдан транзит салоҳиятини ошириб, минтақавий хабга айланиши мумкин.

Бундан ташқари, Мурожаатномада таъкидлаб ўтилган рақамли иқтисодиёт ривожланишини таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, таълим сифатини кўтариш ва илм-фан соҳасини сифат жиҳатдан тубдан яхшилаш масалалари Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти учун бениҳоя муҳимдир.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан парламентга йўлланган ушбу Мурожаатнома ҳозирги босқичда мамлакатда олиб борилаётган “трансформатив бошқарув” сиёсатини ўзида яққол акс эттиради.

“Дунё” АА

Реалликка айланаётган бахт тушунчаси

Фарҳод НАБИЕВ,
Самарқанд давлат университети профессори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини тушуниш учун Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб фикрлаш керак. Беш устувор йўналишдан иборат бўлган ва беш босқичда амалга ошириладиган бу стратегия Ўзбекистонни ривожлантириш асосида халқимиз ҳаётини бахтли қилишни назарда тутади. Демак, Мурожаатномани Ўзбекистон халқи ҳаётини бахтли қилишда фаол иштирок этишга чақириқ, деб айтиш мумкин.

Мурожаатномада ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид вазифалар белгилаб берилган. Ҳар бир соҳа вакиллари ўзларига доир вазифаларни аниқлаб олиши ва унинг ижроси борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозим. Унда инсон қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, ҳамма учун бирдек аҳамиятга эга бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Буларга демократик қадриятлар руҳида жадал ривожланиш, фуқаролик жамиятини кучли қилиш, амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида ётган либераллаштириш жараёнини такомиллаштириш, барча соҳадаги раҳбар кадрларнинг танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритиши ва бошқа вазифалар киради. Бу вазифалар кўпчиликни безовта қилаётган коррупция муаммосини ҳал этиб, халқимиз ҳаётини бахтли қилишга қаратилган.

Президентимиз Олий Мажлисга аввалги Мурожаатномасида биз шу пайтгача ўрганиб қолган бахтли ҳаёт тўғрисидаги тушунчага танқидий ёндашган ва бу эскича қарашимизни бутунлай ўзгартирадиган фикрини баён этган эди. Бахтли ҳаёт келажакда эмас, балки бугун бўлиши керак, деган фикр эди бу.

Яқин-яқинларгача бахтли ҳаёт келажакда бўлишига кўникиб қолган, бугунимиз тўкин ўтишини тасаввур қилишимиз қийин эди. Биз ўз давримизда эртанги кунимиз бахтли бўлади деб яшасак, эртага фарзандларимиз ҳам эртанги кунимиз бахтли бўлади деб ўйласа, натижада бахтли ҳаёт фақат орзудангина иборат бўлиб қолаверарди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва уларнинг амалий натижалари чин маънода инсоннинг бахтли ҳаёт кечириши қандай бўлиши тўғрисидаги тасаввурларимизни буткул ўзгартириб юборди.

Аксарият луғатларда бахтга инсон моддий ва маънавий эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилганлик ҳолати деб таъриф берилган. Бир қарашда мукаммал таърифга ўхшайди, инсонга яна нима керак, қорни тўқ, усти бут бўлса, камчилиги бўлмаса, бахтли бўлиш учун шунинг ўзи етарлидек кўринади. Лекин бу таърифда битта камчилик бор ва у кўркувсиз, эркин яшаш ҳиссига ниддир. Агар инсонда ана шу ҳиссиёт бўлмаса, қорни тўқ, усти бут ва эҳтиёжлари қондирилган бўлса ҳам у бахтли бўла олмайди.

Мурожаатнома, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, сиёсий соҳани ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни белгилаб беради. Сиёсий ислоҳот деганда, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучайтириш билан боғлиқ вазифалар, демократия деганда, ҳокимият халқ томонидан шакллантирилиши ва назорат қилиниши тушунилади. Халқ ўз назоратини амалга ошириши демократия талаби ҳисобланади ва бунинг учун халқ кучли бўлиши керак. Кучли бўлиши учун эса у бирлашган бўлиши лозим ва халқнинг бирлашганлик ҳолати фуқаролик жамияти деган тушунча билан ифодаланади.

Демократия ва кучли фуқаролик жамияти борасидаги муаммолардан бири назорат фаолияти билан боғлиқ. Ҳар қандай фаолият самарали амалга оширилиши учун ўша фаолиятга доир билим керак. Худди шундай назорат фаолиятининг самарадорлиги ҳам бу борадаги билимга боғлиқ бўлади. Шунинг учун таълим тизимига ёшларимизга бу борадаги билимни берадиган фанларни киритиш замон талабидир, деб айтиш мумкин. Университетимизда ушбу йўналишда муайян илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб, ижтимоий назорат фани ўқитилмоқда. Ижтимоий назорат фани берадиган билим жамият тараққиёти ва инсон бахтининг ажралмас шарти бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишга хизмат қилишини инобатга олиб, янги фанни олий таълим тизимига жорий этиш мумкин.

Қулай инвестицион муҳит яратиш борасидаги асосий муаммо бюрократия, порахўрлик ва коррупция иллати билан боғлиқ. Уни бартараф қилишнинг энг мақбул йўли демократияни такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини кучайтиришдир. Шунинг учун халқаро миқёсда у ёки бу давлатдаги коррупциянинг даражаси ундаги демократия ва фуқаролик жамиятининг кучига қараб баҳоланади. Қаерда бюрократия, порахўрлик ва коррупция жиловланган бўлса, ўша ерда демократия ва фуқаролик жамияти кучлидир.

Мурожаатноманинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш одамларни ҳаётга онгли муносабатда бўлиш, бефарқлик кайфиятини жиловлаб, дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди. Бу, энг аввало, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучли қилиш жараёнида иштирок этиш дегани.

Шу боис, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини кучайтириш жараёнида фаол қатнашиш Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бел боғлаган жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси олдидаги масъулиятдир.

Рақамли иқтисодиёт: тараққиёт сари қисқа йўл

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда ушбу соҳани кенг ривожлантириш, Президентимиз таъкидлаганидек, коррупция иллатига барҳам беради.

Шундай экан, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, энг аввало, пухта ва мукаммал ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, қолаверса, инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштириш, шу орқали мамлакатда “ахборотлашган жамият” муҳитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

ТЎРТИНЧИ САНОАТ ИНҚИЛОБИ ДВИГАТЕЛИ

— Ҳозирги даврда мамлакатнинг ривожланиши фақат мавжуд табиий бойликлар ёки аҳоли сонига боғлиқ бўлмай қолди,— дейди иқтисод фанлари доктори, академик Қаландар Абдурахмонов. — Жаҳон банки маълумотларига кўра, курраи заминимиз умумий бойлигининг 66 фоизи инсон капиталига, яъни асосан шахснинг илм даражасига тўғри келмоқда. Шунинг учун давлатимиз раҳбари Мурожаатномада “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир”, деган фикрни алоҳида келтириб ўтди.

Ақл-заковат ва илм тараққиёт қанотидир. Замонавий илм-фаннинг чўққиси юқори технологияларда, рақамли оламда кўзга ташланади. Тўртинчи саноат инқилоби тараққиётнинг янги кўриниши — “рақамли иқтисодиёт” бошланганини англатади. Бугунга келиб жаҳонда рақамли иқтисодиёт ҳажми тараққий этган 20 мамлакатда 2 триллион АҚШ долларини ташкил этаётгани ҳисоблаб чиқилган. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда дунёда пешқадам Буюк Британияда эса у ҳозирнинг ўзида ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизига етди. Рақамли иқтисодиёт технологик ва бизнес жараёнлар, ишлаб чиқариш, логистика ва тайёр маҳсулотлар савдосини рақамлаштиришни назарда тутади. Мамлакатимизда 2020 йилнинг ўзида транспорт, геология, таълим, архив каби соҳаларни тўлиқ рақамлаштириш белгиланди. Айни кунда Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган IT-парк барпо этилмоқда. Бундай IT-парклар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилиши ахборот технологиялари фани ва амалиёти ривожини таъминлайди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контактсиз алоқа шаклларини янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги версияси, Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси — “business.gov.uz” портали ишга туширилгани рақамли иқтисодиёт ривожи йўлидаги муҳим қадамлардир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш), шу жумладан, бир вақтнинг ўзида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш ва тезкор жўнатиш учун вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли даражада тежаш мақсадида ягона электрон тизим — “project.gov.uz” жорий этилгани ҳам қувонарли.

АКТни ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИГА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛГАН?

Ўзбекистон АКТни ривожлантириш индекси бўйича жаҳонда 95-ўринда турибди. Бироқ Президентимиз таъкидлаганидек, **“Юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ десак, бу ҳам ҳақиқат”.** Мамлакатимиз Интернет тезлиги бўйича давлатлар рейтингида 129-ўрин, Иқтисодий эркинлик индексида 140-ўринда тургани рақамли иқтисодиётни жорий этишда қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини англатади.

Хўш, бу борадаги муаммолар, АКТни иқтисодиёт соҳаларига кенг жорий этишдаги тўсиқлар нималардан иборат бўлган?

“ERGO Research & Advisory” консалтинг хизмати таҳлилчиларининг изланишларига кўра, **бундаги асосий муаммо телекоммуникация инфратузилмаси ва алоқа сифати яхши эмаслигидир.** АКТ соҳасига инвестиция кам киритилиши натижасида таянч алоқа станциялари зичлиги паст ҳолатда бўлган. Бу интернет, мобил хизматларнинг яхши ишламаслигини келтириб чиқаради, натижада рақамли иқтисодий ўсишни камайтиради, рақамли узилишларни келтириб чиқаради. Ўзбекистонда интернет тезлиги МДҲ мамлакатларидаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар пастдир.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Интернет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик қобилияти 1 200 Гбит/с.ни ташкил этиб, коммутация маркази орқали 750 Гбит/с тезликда интернет тармоғига чиқиш имконияти яратилди ва тармоқнинг юкланиш даражаси 76,6 фоизни ташкил этмоқда. 2020 йилнинг 1 январидан оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун тариф ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34 фоиз арзонлаштирилиб, 1 Мбит/с учун 56 минг сўмни ташкил этди. Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 22 миллиондан ортди, шундан мобил интернет фойдаланувчилари сони 19 миллион нафардир.

Республика бўйича 237 та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, уларнинг ускуналари модернизация қилиниб, магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти вилоятлараро даражада 200 Гбит/с.га, туманлараро даражада эса 40 Гбит/с.га етказилди. Ижобий натижалар бор, бироқ бу етарли дегани эмас.

Зеро, рақамли иқтисодиёт ақл бовар қилмас катта ҳажмда рақамли маълумотларни тўплашда давом этмоқда. 2022 йилда глобал IP трафик ҳажми 150 700 Гбит/с.га (солиштириш учун 2017 йил 45 000 Гбит/с) чиқиши кутилаётгани даврдан ортда қолмасликка чақиради.

Аҳолининг барча қисмида ҳам рақамли малаканинг етарли эмаслиги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги яна бир тўсиқ бўлиб келган. Шунингдек, рақамли товар айланмаси ҳам паст ҳисобланди. Бу борада технология оламида кўпчиликка маълум бўлган “Microsoft” корпорацияси асосчиси Билл Гейтснинг бир фикрини эслаш ўринли: “Тез орада Ер шарида фақат икки тур компаниялар мавжуд бўлади. Биринчиси, интернет орқали бизнес қилувчи, иккинчиси, бизнесдан чиққан компаниялар”. Тадбиркорлар мана шу жиҳатни инобатга олган ҳолда дунёга машҳур “бизнес истеъмолчи учун”, “бизнес бизнес учун”, “истеъмолчи истеъмолчи учун” тамойиллари асосида ўз фаолиятини ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Click, Payme, M-bank, Upay, Oson ва бошқа онлайн тўловларга имкон берувчи тўлов тизимлари мавжуд бўлишига қарамай, мобил тўловлар, интернет, коммунал хизматлар учун онлайн тўловларни амалга ошириш кўрсаткичи юқори эмас. 2017 йилда 34 фоиз ҳисоб эгалари рақамли тўловни амалга оширган. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 96 фоизга тенг. Эътиборлиси, мамлакатимизда терминал орқали тўловлар сони ошиб бормоқда. Масалан, 2018 йилда терминал орқали тўловлар 53 триллион сўмни ташкил этган.

Шунингдек, узоқ вақт давомида бюджет ташкилотларида техник ходим ҳисобланган ахборот технологиялари мутахассисларига юқори маош берилмагани ҳам рақамли иқтисодиётни жорий этишдаги муаммо бўлган. Сабаби, малакали дастурчилар бу лавозимда узоқ қолмаган. Улар халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, чет эллик буюртмачилар учун ишлашни маъқул кўрган. Эндиликда уларга устама бериш механизми жорий этилган.

Ютуқлар билан бирга, муаммолар мавжуд, қилинадиган ишлар кўп, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”.**

Жорий йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, 2021 йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида Президент мактаблари қурилиши режалаштирилган.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ

Лутфулла СУВОНОВ

Янги Ўзбекистоннинг “олтин фонди”

Биз дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бугун уларга муносиб ворисларни етиштириш замон талабидир. Бу борада таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Зеро, бугун ёшларимиз қўлга киритаётган ютуқлар Ватанимизни дунёга танитишда, унинг янада тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёш истеъдодларни аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаб олиш ва ўқитиш тизимини шакллантиришда тарихий аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Чунки бу ҳужжат ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал имкониятларини намоён этишга ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим муҳитини яратиш бу борада муҳим қадам бўлди.

Айни пайтда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида Президент мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, 2021 йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида шундай таълим масканлари қурилиши режалаштирилган.

— Президент мактабларининг асосий мақсади мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг интеллектуал ривожланишига керакли шароитлар яратишдир, — дейди Тошкент шаҳридаги Президент мактаби директори Тўрабой Шерматов. — Биринчилар қаторида фойдаланишга топширилган мазкур мактаб 168 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда замонавий ўқув биноси ва ётоқхона, хорижлик ўқитувчилар учун 15 ўринли меҳмонхона, фан хоналари, сузиш ҳавзаси, спорт зали, мини-футбол майдони, тренажёр, тиббиёт хоналари ўқувчилар ихтиёрида.

Канаданинг “Teachaway” ва Буюк Британиянинг “TIC Recruitment” рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда мактабга 10 нафар чет эллик мутахассис жалб қилинган. Шунингдек, тажрибали ва малакали 22 нафар маҳаллий ўқитувчи ҳам танлов асосида қабул қилинган. Кембриж университетидан STEAM ёндашувига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари олиб келинди.

Ўқувчилар душанбадан жума кунигача мактаб ҳудудида бўлади, дам олиш кунлари ота-оналари уларни уйига олиб кетиши мумкин. Бундай тизимда таълим янада самарали кечади, чунки болалар мунтазам ривожланиш муҳитида бўлади. Бу эса уларнинг қобилияти ва истеъдодини максимал даражада ошириш имконини беради. Мактабда барча шароитлар мавжуд: кутубхона, инглиз тилидан қўшимча дарслар, жумладан, сўзлашув клуби, STEAM-фанлар бўйича машғулотлар. Шунингдек, ижодий устахоналар, робототехника хоналари, спорт мажмуалари, турли тўгараклар ва секциялар фаолият кўрсатмоқда.

Ўқувчилар барча қулайликларга эга ётоқхонада истиқомат қилади ва уларга бир кунда олти маҳал овқат берилади. Мактаб формаси ва адабиётлар давлат томонидан тақдим этилган. Дарс ва ўқув машғулотлари тугагандан кейин болалар тарбиячилар назоратида бўладилар.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИНИНГ БОШҚА МАКТАБЛАРДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Президент мактаблари янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим пойдевор бўлиши мақсад қилинган. Бу ерда таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари инглиз ва ўзбек тилларида олиб борилмоқда.

Президент мактабларининг бошқа умумтаълим мактабларидан фарқи шундаки, улар бу ерда ўзларини бир жамоа, яъни бир оила, деб ҳис этади. Энг асосийси, улар бу ерда илм олиш билан бирга, турли тўгарак ва спорт машғулотларида иштирок этади ҳамда куч бирлиқда эканини амалда кўради.

Мактабда дарслар тўлиқ замонавий ахборот технологиялари асосида ўтилади ва ҳар бир ўқувчига нетбуклар берилган. Шунингдек, синфда ўқувчилар сони 12 нафардан ошмагани учун ҳам ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланиш имконияти мавжуд.

Бугун умумтаълим мактабларида физика, биология, кимё фанлари алоҳида фан сифатида ўтилади. Президент мактабида эса Канаданинг “Teachaway” ва Буюк Британиянинг “TIC Recruitment” рекрутинг компаниялари томонидан тақдим этилган “STEAM — таълим” (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) ўқув дастури асосида бу фанлар бир-бирига боғлаб ўргатилади. Бундай ўқув дастури ўқувчиларнинг қизиқиши ва эслаб қолиш қобилиятини оширади. Фанлар тўлиқ интерактив услубда, замонавий технологиялар қўлланган ҳолда амалий машғулотлар орқали ўтилади. Ўқувчилар дарс соатлари тугагандан сўнг ўзларининг хоҳишига қараб фан тўгаракларида иштирок этади.

ҚАБУЛ ЖАРАЁНЛАРИ ҚАНДАЙ КЕЧДИ?

Мактабда бўлиб ўтган қабул жараёнлари тўлиқ хорижлик мутахассислар иштирокида амалга оширилди.

Жорий йилда мактабнинг 5-10-синфлари учун ҳужжат топширган 7 мингга яқин ўқувчидан 144 нафари ўқишга қабул қилинди. Кембриж университетининг Cambridge Assessment International Education бренди остида фаолият юритувчи Имтиҳон кенгаши Президент мактаблари учун танлов жараёнини назорат қилди. У бутун дунёда ўтказиладиган имтиҳонлар жараёнида адолат ва шаффофликни таъминлашда ном қозонган ташкилотлардан. Cambridge Assessment International Education мутахассислари боланинг ота-онаси ёки уларнинг моддий имконияти ҳақида маълумотларга эга бўлмайди. Инглиз компанияси учун ўғил-қизлар истеъдоди, танқидий ва мантиқий фикрлаш даражаси баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади. Албатта, барча ота-оналар фарзандларининг Президент мактабларида билим олишини хоҳлайди. Лекин энг истеъдодли ўқувчиларгина бундай имкониятга эга бўлди.

— Кириш имтиҳонлари икки босқичдан иборат бўлди. Энг асосийси, имтиҳонлар шаффоф ўтказилди, — дейди Президент мактаби 9-синф ўқувчиси Муҳаммадризо Мажидов. — Биринчи босқичда математика бўйича 30 вазифадан иборат тест топширдик. Иккинчи тур маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш қобилиятини текшириш, мантиқий элементлар билан математик масалалар ва инглиз тилидан тест каби топшириқларни ўз ичига олди. Барчасидан муваффақиятли ўтгач, мана шундай нуфузли масканда ўқиш бахтига мушарраф бўлдим. Бу ерда илм олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қисқа вақт ичида бир қатор юқори натижаларни қўлга киритишга ҳам улгурдим. 2019 йилнинг 3-12 декабрь кунлари Қатарнинг Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган “International Junior Science 2019” халқаро олимпиадасида илк бор ўзбекистонлик ёшлар иштирок этди. Мазкур олимпиадада ўқувчиларнинг биология, кимё ва физика фанлари бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Мусобақада 50 дан ортиқ жамоа, шу жумладан, таълим тизими жаҳонда тан олинган Жанубий Корея, Хитой, Гонконг, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия каби давлатлардан 500 нафардан ортиқ энг иқтидорли ўқувчи 3 турда тест, лаборатория иши ва назарий босқичда беллашди. Мазкур олимпиадада бронза медалга сазовор бўлдим.

Мақсадим — Президент мактабини аъло баҳоларга тугатиб, Кембриж университетига ўқишга кириш, келгусида математика соҳасида етук мутахассис бўлиб, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ?

Ўқув йили бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, лекин мактаб ўқувчилари қисқа фурсатда юқори натижаларни қўлга киритди.

2019 йил октябрь ойида Осиё давлатлари миқёсида ўтказилган SEAMO математика олимпиадасида 9-синф ўқувчиси Муҳаммадризо Мажидов ва 6-синф ўқувчиси Усмон Юсупов олтин медални қўлга киритди. АҚШда онлайн тарзида ўтказилган халқаро олимпиадада 7-синф ўқувчиси Шамил Хуснулин олтин ҳамда 8-синф ўқувчиси Одил Бозорбоев кумуш медаль билан тақдирланди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “INNOWEEK” инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида Тошкент шаҳрида “International Robotics Challenge 2019” (IRC 2019) халқаро робототехника мусобақасида “Senior” ёш тоифаси бўйича мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жаҳонгир Бакиров бошчилигидаги Президент мактаби жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, ўтган йилнинг 10-15 декабрь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган III халқаро интеграциялашган фан олимпиадасида 10-синф ўқувчиси Дониёр Воисов бронза, АҚШда ўтказилган “Math league” математика лигасида мактаб ўқувчилари 6 та кумуш, 4 та бронза, 1 та олтин медалга сазовор бўлди.

Олдимизда янги Ўзбекистонни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу мақсад турган экан, бунга, албатта, янгича ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган фидойи ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай салоҳиятли ва баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадида фаолият бошлаган ушбу маскан жонажон Ватанимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишга, глобаллашув даврида кескин беллашув ва рақобатларда ғолиб бўлишга қодир етук мутахассисларни тайёрлайди, деган умид ва шунга яраша ишонч бор. Келажакда бу ердан янги Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруниийлар, Улуғбеклар етишиб чиқади ва мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Коронавирус эпидемияси:

Ўзбекистонда унга қарши жиддий чоралар кўрилмоқда

Баҳор Хидирова,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу кунларда жаҳон жамоатчилиги дастлаб Хитойнинг Ухань шаҳрида пайдо бўлиб, сўнг бошқа бир қатор мамлакатларга тарқалаётган янги типдаги коронавирус эпидемиясидан жиддий ташвишга тушмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунгача бу вирус билан касалланганлар сони 2400 нафардан ошган, уларнинг саксондан ортиғи вафот этган. Шу кунларда вирус Хитой чегарасидан чиқиб, Япония, Жанубий Корея, Таиланд, Вьетнам, Сингапур, Тайвань, Франция ва АҚШгача етиб борган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ИШЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

— Айни пайтда мамлакатимизда коронавирус бўйича эпидемиологик вазият барқарорлиги кузатилмоқда. Хитойдан ёки бошқа давлатлардан ушбу инфекциянинг кириб келиши ҳолатлари қайд этилмади. Бироқ бу хотиржамликка берилишимизга асос бўла олмайди, — деди **Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов.** — Ушбу эпидемик вазиятга қарши барча зарур чоралар кўрилмоқда. Хусусан, чегара ҳудудидаги ҳаво, автомобиль ва темир йўл транспорти иншоотларида санитария-эпидемиология ва миграция назорати кучайтирилди. Хитойдан қайтаётган фуқаролар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Аммо хавфсизликни тўлиқ кафолатлаш янада кенг қўламли чоралар кўришни тақозо этмоқда. Чунки коронавирус инфекцияси ҳаво томчилари орқали ўтиши, инсондан инсонга юқиши, касалликнинг яширин даври 14 кунгача давом этиши жиддий хавотир уйғотмоқда. Шу боис, фуқароларимизга Хитойга ва, зарурат бўлмаса, касаллик тарқалаётган бошқа хорижий давлатларга ҳам вақтинча бормасликни тавсия қиламан.

Шунингдек, вазирлик томонидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига эпидемиологик вазият барқарорлашгунча Хитойга ўзбекистонлик сайёҳларни имкон қадар юбормаслик тавсия этилди.

Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур йўналишда тиббий-профилактика ишларини, эпидемияга қарши тадбирларни кучайтирмоқда. Бунинг учун аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Вазирлик ва ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда махсус штаблар ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология илмий-текшириш институти ҳамда Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникасида, ҳудудлардаги юқумли касалликлар шифохоналарида махсус бокс палаталар ташкил этилиб, уларда зарур дори-дармон захираси яратилди. Шунингдек, аэропорт ва темир йўл вокзаллари санитария карантини пунктларида ушбу касалликка гумон қилинган бемор аниқланса, уни дарҳол изоляторга жойлаштириш, коронавирусга лаборатор таҳлилини ўтказиш учун намуна олиш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, “Uzbekistan Airports” АЖ ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тиббий-санитария хизматлари томонидан давлат чегарасини кесиб ўтган, айниқса, Хитойдан келган шахсларнинг юқори сифатли тиббий мониторингини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Мазкур тизимларда фаолият юритаётган ходимлар иштирокида эпидемик вазият ва унинг олдини олиш мавзусида семинарлар ўтказилди. Хориждан келаётган йўловчилар орасида грипп касаллигининг оғир турларига, ўткир респиратор инфекция ва пневмония касалликларига гумон қилинган беморлар аниқланганда лаборатория текшируви йўлга қўйилди.

КОРОНАВИРУС ХУСУСИЯТЛАРИ ИЛМ-ФАНГА МАЪЛУМ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-текшириш институти директори Эркин МУСАБОЕВнинг айтишича, вируснинг коронавирус деб аталиши сабаби унинг атрофидаги ўсимталар тожга ўхшашидир. Коронавируслар катта вируслар оиласи ҳисобланиб, уларнинг фақат еттита тури инсонга юқиши ҳамда оддий яллиғланишдан тортиб, зотилжам билан кечадиган оғир ўткир респиратор касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳамда беморлар инфекция манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу касалликка қарши вакциналар ишлаб чиқилмаган. Инфекция кузнинг охири, қиш ва баҳорнинг бошларида кўп учрайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу инфекция болалар, ҳомиладор аёллар, кексалар, сурункали касаллиги бор, иммунитети заиф инсонлар саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Касаллик тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, умумий заҳарланиш белгилари билан бошланади. Беморларнинг аксарияти тана ҳарорати юқорилиги ҳамда нафас олиш қийинлашишидан шикоят қилган. Касалликни аниқлаш учун бир қатор таҳлиллар, жумладан, кўкрак қафаси рентгенографияси амалга оширилади.

ТОЗАЛИК, ОЗОДАЛИК, ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ҲАР ҚАНДАЙ ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ МУСТАҲКАМ ТЎСИҚДИР

Мутахассисларнинг таъкидлашича, коронавирус инфекциясининг махсус профилактикаси йўқ. Бироқ ҳар қандай юқумли касаллик каби коронавирусга қарши курашишда ҳам инсоннинг тиббий билими юқорилиги, тозалик, озодалик, шахсий гигиенага тўла амал қилиши эпидемияга қарши мустаҳкам тўсиқ бўлади. Касалликнинг олдини олиш учун, аввало, юқорида тавсия этилганидек, эпидемиологик вазият мураккаблашган давлатларга вақтинча бормаслик мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, мутахассислар сут, гўшт ва гўшт маҳсулотларини яхшилаб пишириб истеъмол қилишни тавсия этади. Беморлар билан мулоқотда бўлганда касаллик юқишининг олдини олиш мақсадида тиббий ниқобдан фойдаланиш шарт.

Миграция ривожланган ҳозирги жараёнда баъзи юртдошларимиз коронавирус инфекцияси қайд этилган давлатларда бўлиб қайтган бўлиши мумкин. Улар ўзининг ва яқинларининг саломатлигини муҳофазалаш учун соғлиғига қатъий эътибор бериши, касаллик аломатлари кузатилса, зудлик билан шифокорни уйга чақириб, тиббий кўрикдан ўтиши мақсадга мувофиқ.

Пойтахтимизнинг Сергели тумани Софдил маҳалласида “Kinder garden” номли замонавий мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Янги боғчада рус ва инглиз тиллари мукаммал ўргатилади

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг сони йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Куни кеча Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини ошириш, бу борада давлат-хусусий шериклик асосида янги боғчаларни қуриш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислоҳотлар натижасида ўтган йили 5 минг 722 давлат, хусусий, оилавий болалар боғчаси ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди. 2020 йилда бу кўрсаткични 60 фоизга етказиш бўйича топшириқ берилди.

Ҳозирги вақтда республикада 9 минг 800 га яқин МТТ фаолият олиб бормоқда. 2030 йилга бориб болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни 80,8 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган мазкур мактабгача таълим ташкилотининг очилиш маросимида шулар ҳақида сўз борди. Унда Сергели тумани ҳокими, кенг жамоатчилик ва маҳаллий аҳоли вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

— Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди боғча мудираси Дилором Абдувоҳидова. — Президентимиз ҳар бир нутқида мактабгача, мактаб ёшидаги болаларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳам маънан, руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун муносиб шароит яратиш зарурлигига алоҳида тўхталади. Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасини тинглаб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Бугун маҳалламизда янги мактабгача таълим ташкилоти очилди. Маҳалла аҳли, ота-оналар, айниқса, болажонлар орзиқиб кутган кун бўлди. Боғчамиз 175 ўринга мўлжалланган бўлиб, 7 гуруҳдан иборат бўлади. 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни қамраб олиш белгиланган. Боғчамизда меъёрлаштирилган беш маҳал иссиқ овқат берилади. Маҳоратли педагоглар томонидан болаларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб улғайиши учун турли фан ва спорт тўгараклари, мантиқ, ментал арифметика каби қизиқарли машғулотлар йўлга қўйилади. Шу билан бирга, рус тили ва инглиз тили ўргатилади.

Боғча қурилишида стандарт лойиҳалардан воз кечилган ҳолда ноодатий дизайн ва замонавий ечимлардан фойдаланилган. Янги МТТ мебель, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар билан жиҳозланган. Боғчада йил давомида ишлаб турадиган ёпиқ турдаги сув ҳавзаси мавжуд. Бу ерда болаларни чиниқтириш билан бирга уларга сузиш машғулотлари ўтилади. Шунингдек, боғча ҳовлисида ёзги болалар майдончалари ҳамда футбол майдончаси барпо этилган. Майдончалар зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— Илгари биз истиқомат қиладиган ҳудудга яқин боғча бўлмагани сабабли болаларимизни узоқроқ мактабгача таълим ташкилотига олиб борардик, — дейди Шерзод Умаров. — Бугун бу ерда болаларга яратилган шароитларни кўриб хурсанд бўлдик. Давлатимиз раҳбарининг бешта муҳим ташаббусини амалга ошириш доирасида соғломлаштириш ва бадиий машғулотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, анъанавий мусиқа ва рақсдан ташқари, болалар спорт билан шуғулланиши, ўйин шаклида чет тилларини ўрганиши ҳамда бошқа ривожлантирувчи тўгарак ва секцияларга қатнашиши мумкин.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Бешта ўғлининг барчаси ҳалок бўлгани, жасади олис юртларда қолиб кетганини билса-да, ўла-ўлгунча уларни кутади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 28 январь, 2-сон

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги олдидан

Она матонати ҳақида қўшиқ

Рисолат МАДИЕВА

"Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди... — дея таъкидлади Президентимиз Олий Мажлиса Мурожаатномасида. — ...Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам "Ғалаба боғи" бунёд этилмоқда".

"Ғалаба боғи" бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун жон олиб, жон берган ўзбек ўғлонлари, уларнинг муштипар оналари, фронт ортида меҳнат қилган ҳамюртларимиз руҳига таъзим, миннатдорлик рамзи сифатида яратилмоқда. Боғ марказида ўзбек аёлининг матонати тимсоли бўлган юртдошимиз Зулфия ая Зокирова, унинг урушдан қайтмаган беш фарзанди ҳамда бева қолган тўрт келини хотирасига бағишланган "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуаси ўрнатилади. У сабр-бардош, метин ирода ҳақидаги энг гўзал ёдгорлик бўлиши, шубҳасиз.

Зулфия аянинг аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига кўра суратга олинаётган "Илҳақ" фильми эса ёшларни ватани севиш, кекса авлод вакилларига эҳтиромда бўлиш, шукроналик, қаноатга ундайди.

* * *

Зулфия ая Зокирова. Бу аёл сиймосида урушдан қайтмаган беш нафар дилбанди, жондан ортиқ жигаргўшасини ҳамон кутаётган, чўқур қайғуга ботган муштипар онани кўрасиз. Даҳшатли урушнинг мудҳиш оқибатлари, айрилиқ азоби, заҳмат ва қийинчилик қаддини букиб қўйган бўлса-да, руҳиятида матонат, мустаҳкам ирода ўз ифодасини топган. У тақдирнинг беаёв зарбаларига нисбатан сабрли, бардошли бўлишга ҳаракат қилади. Кўзининг нури, ҳаётининг мазмуни бўлган фарзандларининг ҳалок бўлганига ишонгиси келмайди. Гўё улар тирик... У ҳар кеч ҳовлида ўғилларини номма-ном чақириб, паст овозда йиғлаб юради. Урушдан кимдир ярадор бўлиб қишлоғига қайтса, "Менинг болаларимни кўрмадингми?" дея илҳақ сўрайди. Бетобланиб, ётиб қолганида эшикка термулади. Умри поёнига етиб, омонатини топшираётган вақтида ҳам илҳақланади: "Бирортаси келмади-я..."

Президентимиз ўтган йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тантанадаги нутқида ҳамюртимиз Зулфия Зокированинг бошига тушган оғир синовлар, унинг қаноатга, заҳматга йўғрилган умр йўли, қалб изтироблари ҳақида сўз юритган эди. **"Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан — Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган.**

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яксон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожиали қисматга беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!" деган гаплари бутун халқимиз, жамоатчилик дилидаги гапларни қўзғаб юборди.

— Мен Зулфия Зокирова яшаган маҳаллада ўсганман, — дейди "Илҳақ" фильми режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов. — Аянинг тақдири ҳақида эшитган эдим. Бундан беш-олти йил аввал шу ҳақда фильм олишга киришдик. Аммо маълум сабабларга кўра, тўхтаб турганди. Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида Зулфия аянинг матонати ҳақида гапирганларидан сўнг қўлимдаги сценарийни фильм қилишга аҳд қилдим.

Айни пайтда фильмни суратга олиш ишлари давом этмоқда. Таниқли адиб Алиназар Эгамназаровнинг "Беш жангчининг онаси" очерки асосида суратга олинаётган бу фильмда онахоннинг Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган фарзандлари, фронт ортидаги машаққатли меҳнатларни ўз зиммасига олган тўрт келини қисмати кўрсатилган.

Фильм 1939 йил, оиланинг қувончи, бахтли кунлари тасвири билан бошланади. 120 минг киши меҳнат қилаётган Катта Фарғона канали қурилишида аянинг ўғли Мамажон ҳам қатнашмоқда. Ўғлини кўргани келган она заҳматкаш халқнинг бирдамлиги, шижоатини кўриб дили яйрайди. Бунёдкорлик, ободлик иштиёқи билан канал қазиётган эл-нинг ҳамжиҳатлиги акс этган бу саҳна фильмнинг энг таъсирли ва мураккаб воқеаларидан биридир.

— Улуғ мақсад йўлида бирлашган халқнинг заҳматли меҳнатини борича, табиий кўрсатишга ҳаракат қилдик, — дейди Жаҳонгир Аҳмедов. — Катта Фарғона канали қурилишини суратга олиш учун қарийб икки ойга яқин тайёргарлик кўрилди. Мингдан ортиқ одамни ўша давр кийимлари билан кийинтиришга тўғри келди. Паркент туманида 2 гектар жойда Фарғона канали декорацияси қурилди. Канал қазилишида керак бўладиган асбоблардан тортиб, араваларгача ясалди. Аянинг набиралари билан маслаҳатлашган ҳолда, ая яшаган катта ҳовлининг деярли 90 фоизи бунёд этилди.

Катта Фарғона канали қурилиши акс этган саҳнадан сўнг воқеалар ривожи уруш йилларига кўчади. Даҳшатли уруш инсонлар қалбидан хотиржамлик, бахт ва қувончни ўғирлайди. 1941 йилнинг июлида аввал Мамажон, бир ойдан сўнг Аҳмаджон, кейинроқ Ваҳобжон ва Юсуфжон урушга кетади. Энг сўнгида, 1944 йилнинг март ойида Исоқжон урушга отланади. Ҳаммаларидан бирин-кетин "қора хат" кела бошлайди.

Она учун фарзандини йўқотишдан ортиқроқ бахтсизлик йўқ. Зулфия ая беш паҳлавон ўғли учун қаттиқ куяди, ғам белини букиб қўяди. Вужудини жудолик ўртайди, кўзлари йиғидан хиралашади. Аммо яшаш учун кучи топади. Бева қолган тўрт келин, беш невара билан даладаги оғир меҳнат, турмуш ташвишларига андармон бўлади.

— Она боласини урушга жўнатиши оғир, — дейди бош роль ижрочиси, актриса Дилором Каримова. — Менинг қаҳрамоним ҳам фарзандларининг урушга кетишига қаршилик қилади. Аммо "элга келган тўй", наилож, беш ўғлони юртга келаётган бало-офатга қарши курашиш учун бирин-кетин кетмоқда.

Онанинг чинакам қаҳрамонлиги шундаки, урушнинг машъум фалокатида унинг болалари ҳам ўз фарзандлик бурчини бажариши, элу юрт учун камарбаста бўлиши кераклигини ҳис қилади. Тақдирга тан беради. Болаларини юрагига кўмади. Бунинг учун инсонда қанчалар ирода, бардош бўлиши керак. Бешта ўғлининг барчаси ҳалок бўлгани, жасади олис юртларда қолиб кетганини билса-да, ўла-ўлгунча уларни кутади.

Фильмда таъсирли бир саҳна бор. Ая келинларини чақириб, "Сизларга бир омонат гапни айтишим керак. Агар тенгингиз чиқса, турмушга чиқаверинг. Иложим қанча, болаларимнинг умри қисқа экан. Мен розиман", дейди. Келинлар йиғлайди. Шунда Ҳидоят келин ичкаридан белбоғ олиб чиқиб, "Аяжон, бизни уйингиздан ҳайдаманг, болаларимизни ўзимиз тарбиялаймиз. Сизнинг ёнингиздан кетмаймиз", дея белбоғни белига боғлайди. Унинг бу ҳаракатида рамзий маъно бор. Зулфия аянинг турмуш ўртоғи ёш ўтиб кетган, ҳаёт ташвишлари, фарзандлари тарбияси ёлғиз ўзига қолганди. Шунда у эрининг белбоғини белига боғлаб, қийинчиликларга чидайди, болалари учун ҳам ота, ҳам она бўлиш масъулиятини ўз зиммасига олади. Келини Ҳидоят ҳам бугун шу йўлни тутди. Қайнона келинлар қучоқлашиб, узоқ йиғлайди...

Айни пайтда фильмни суратга олиш жараёнларининг деярли 80 фоизи ниҳоясига етди. Бир пайтнинг ўзида монтаж ишлари олиб борилмоқда. Тошкент вилоятининг Сўқоқ, Паркент, Заркент, Қизилтоғ ҳудудлари, "Ўзбекфильм" ҳамда "Белорусфильм" киностудияларнинг павильонларида суратга олинган воқеалар ривожи Санкт-Петербург ва Польшада давом этади. Картина тақдимоти 9 май — Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги куни бўлиб ўтади.

— Томошабин ўша давр муҳити, халқимизнинг фронт ортидаги қийинчиликларини ҳис этиши учун ижодкорлар томонидан катта кўламли ишлар амалга ошириляпти, — дейди Жаҳонгир Аҳмедов. — 100 нафарга яқин ижодий руҳ аъзолари кунни тунга улаб ишламоқда. Режиссёр сифатида бош роль учун номзодни узоқ изладим. 8 нафар таниқли актрисалар ичидан Дилором Каримовани танлаб, ишонтириб айтаманки, адашмадим. Беш нафар паҳлавонидан айрилган она образига катта ҳиссиёт ва маҳорат билан ёндашаётган актрисанинг ижроси эътиборга лойиқ. Фильм Иккинчи жаҳон уруши ҳақида сўз борганида томошабиннинг кўз олдига келадиган энг яхши фильмлардан бири бўлиб қолишини истардим.

Шафқатсиз урушда элу юрт ҳимоясини шараф деб билган ўғлонлар, фарзандидан айрилган, дилини айрилиқ азоби ўртаса-да, оёқда тик турган матонатли оналар, фронт ортида машаққатли меҳнат қилган инсонлар ёди қалбимизда мангу қўшиқ бўлиб қолади. Уларнинг ҳаёт йўли чинакам ибрат, унутилмас сабоқдир.

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ

Яхши шоир элни йиғар, тарқатмас...

Шомирза ТУРДИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори

Халқимизда "Бахшили эл – ботир", деган нақл бор. Халқни руҳлантириб, ҳамжиҳат, ҳамкор қилиб, ягона эзгу мақсадлар сари йўллашда бахши каби илҳомчи, фидойи шахсни топиш қийин. Бахши айтади: "Яхши шоир элни йиғар, тарқатмас". Айни таъриф *бахши* сўзининг эл орасидаги *"соқи", "юзбоши", "санновчи", "жарчи", "охун"* каби синонимларининг маҳражида ҳам жамланиб, бири иккинчисини тўлдириб, бахши-шоирнинг жамиятдаги ўрни, вазифасини тўлароқ англаб етишимизга хизмат қилади.

Жорий йилнинг 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқида яна бир бор бахшичилик санъатининг ўрни, келажак авлод таълим-тарбиясидаги аҳамиятига урғу бериб ўтди. Зеро, бахши шунчаки достон, терма, қўшиқ куйламайди, балки юрт улуғлари сафида элга ўгит беради, кўнглини кўтаради, юпатади, қадр-қимматини англатади, руҳан ва жисман дардига малҳам бўлади, камолотига хизмат қилади.

Ҳар бир касбда бўлгани каби бахши-шоирларнинг ҳам ҳомийлари, пиру устозлари бор. Халқ Хўжайи Хизр, Қўрқут ота, Ошиқ Ойдин, Кўр Ғойиб, Овул Патта каби бахшичиликнинг устоз, пирларини ҳурмат билан эслаб, Соқибулбул, Олланазар Олчинбек сингари эпик бахши-шоирлар образ тимсолларини улуғлаб қўшиқлар яратган, достонларда куйлаган.

Ўзбек эли бахши-шоирга бой. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида донг таратган бахши-шоирлар ва улар мансуб достончилик мактаблари бор. Бугунги кунда Қўрғон, Булунғур, Нарпай, Шеробод, Хива, Шаҳрисабз, Пискент каби достончилик мактабларининг шуҳрати дунёга ёйилмоқда. Достончилик мактаблари вакилларидан мерос қолган "Алпомиш", "Гўрўғли", "Кунтуғмиш", "Якка Аҳмад", "Рустамхон", "Қиронхон", "Орзугул", "Эрали ва Шерали", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" "Тоҳир ва Зуҳра" каби кўплаб достонлар, юздан ортиқ намуналарни ўзида жамлаган "Гўрўғли" туркуми каби нодир асарларнинг XXI асрда ҳам жонли ижрода куйланиб келаётгани ноёб санъат ҳодисаси ҳисобланади.

Бахшичилик санъатининг қайта жонланиши, янги куч эниб ривожланиши, келажак авлодларга асл қадрият сифатида етишида Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Қарор асосида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ва "Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни" мавзусида халқаро илмий амалий конференция бўлиб ўтди. Шунингдек, 2019 йил май ойида давлатимиз раҳбарининг "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда Бахшичилик санъати маркази ва Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги Қўрғон қишлоғида Эргаш Жуманбулбул ўғли уй-музейи таъмирланиб замонавий маънавият масканига айлантирилади.

Ҳар бир даврнинг ўз оҳанги бўлади. Оҳангни замон, мавжуд шарт-шароит, кенг маънода, инсоннинг бутун коинотда кечаётган ҳаракат оқимига уйғун яшаш пайдо қилади. Ўтган аср ўзбек қўшиқчилигида оҳангнинг қанчалик янгиланганлигини ўттизинчи, эллик-олтмишинчи, етмиш-саксонинчи ва бугунги кун намуналарига солиштириб тезда илғаш мумкин. Бир сўз билан айтганда, оҳангдаги шиддат, жадаллашув тобора сиқилиб келаётган вақт каби кишини ҳайратга солади. Бир зум тўхтаб, фикр қилишга ҳам улгурмай қоласиз. Бу хил янгиланиш халқ маънавий ҳаётининг барча соҳаларида бир хил юз бераётганлиги табиий жараён. Бахши оҳанглари ҳам давр билан ҳамнафас ривожланиб келмоқда.

Тадқиқотчиларнинг кузатишларига кўра, Хоразм воҳасида ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, ички овоз тўлиқ сиртқи овозга, қўшиқ йўлига ўтган ва тезлашган бўлса, XIX аср бошларида Хивага ташриф буюрган сайёҳ хон саройидаги бахшилар бўғиз товуши орқали достон куйлаганини қайд этган. Қашқадарё-Сурхондарё бахшичилигида эса XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ички овоз сиртга кўча бошлади. Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов Мамарайим Қобил деган кекса бахшининг: "Илгариги бахшиларнинг овози кўкракдан паст – қоиндан чиқарди, кейингилар кўкракка бўйин бирлашган жойдан айтадиган бўлди. Сизлар кекирдакдан айтяпсизлар, эндигилар танглайдан куйлаяпти", деб айтган сўзлари фикримизни тасдиқлайди. Бахшичилик санъатида ижрочининг ички овоздан ташқи овозга ўтиши шунчаки пайдо бўлиб қолаётган ҳодиса эмас. Фолькло-рношунослик жиддий ўрганиши лозим бўлган мураккаб жараён. Бу ўринда, оҳангнинг замон талаб этаётган темпи билан боғлиқ ва бошқа факторларни ҳам тадқиқ этиб тегишли хулосаларга келиш лозим.

Бугунги кунда беш-олти достонни бошдан-адоқ тингловчилар талабига мос ижро этиб берувчи бахшиларнинг саноқли эканини ёдга олсак, улар ижросидаги намуналарни замонавий техник воситалар билан илмий дастур асосида ёзиб олиш зарурияти аллақачон етиб келган. Чунки анъанага содиқ қолган бахшилик ижросини яна қайта тиклаш эҳтиёжи ҳудудларда маънавий эҳтиёжга айланмоқда. Биз ҳозирда Қўрғон, Булунғур, Шаҳрисабз каби ўзбекнинг мумтоз эпосларини мерос қолдирган бахши-шоирларнинг қандай оҳангда достон куйлаганларини аниқ тасаввур эта олмаймиз. Чунки уларнинг овози ўз вақтида ёзиб олинмаган. Ҳолбуки, Бола бахши: "Абдулла шоир саҳнага чиққанда, бошқа бахшиларга навбат тегмас эди", — деб гувоҳлик берар экан, ҳоразмлик машҳур бахшининг бу иқрори шаҳрисабзлик Абдулла шоирнинг қандай ноёб овозга эга бўлганини сиртдан ҳис этишимизгагина хизмат этади, холос.

Бахши ва бахшичилик санъатини ёш авлодга етказишда мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган адабиёт дарсликлари камлик қилади. Чунки дарсликларда асосан матнга кўпроқ урғу берилган, куй ва ижро сиртда қолиб кетган. Шу сабабли биринчи галда бахшичилик анъаналари давом этаётган ҳудудлардаги санъат йўналишига ихтисослашган ўқув масканларида махсус бахши, халфаларни тайёрловчи синфларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу ишга устоз бахши-шоирлар, мутахассис-олимлар жалб этилиб, дарслик ва қўлланмалар яратилса, бошқа йўналишдаги мактабларда ҳам бахшичилик санъати ҳақида кенгроқ билим бериш йўлга қўйилса, аҳолининг эпик билими янада кенгайишига хизмат қилади. Мамлакат миқёсида бахшичилик ривожига бўлаётган эътиборнинг мақсадларидан бири ҳам ушбу ҳаракатларга қувват беришда кўринади.

Республикада ўтаётган бахши, жиров, оқинларнинг кўрик-танловларини ҳам янгиланган талаблар асосида мунтазам уюштириб туришни мавжуд ҳаракатлар ва давр талаб қилмоқда. Бахши-шоир, жиров, оқин ва халфаларнинг кўрик-танловларига шунчаки тадбир, деб қарамаслик лозим. Ҳар бир танлов бу қадимий санъатнинг бугунги ҳолатини, истиқболини белгилашда катта аҳамиятга эга. Аввало, танлов достончилик анъаналарини давом эттириб келаётган бахшиларни аниқлаб беради. Ёш бахшиларнинг ижодий, амалий маҳоратларини ошириб боришга кўмаклашади. Уларнинг эл эътиборига тушишига сабабчи бўлади. Устоз-шогирд муносабатларидаги анъанавий ҳолатларда юз берган ўзгаришларни кузатиш, эпос ижросининг жонли оғзаки ҳолатда сақланишини, бахши репертуаридаги ноанъанавий ҳолатларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишга ёрдам беради. Шундай экан, бахшичилик ривожига ҳисса қўшувчи барча тадбирларга кенг йўл очиш лозим.

ТАКЛИФ

Хайрли ишнинг кечи йўқ

Роҳида АҲМЕДОВА,
Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Кўп йиллардан бери мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераман. Сўнгги йилларда ўқув масканларига, ўқитувчига ғамхўрлик, эътибор кучайди, маошларимиз ошди. Ҳар хил ортиқча мажбурий тадбирлардан халос бўлдик. Хуллас, ўқитувчининг обрўси йилдан-йилга тикланиб, ҳурмат-иззати жойига қўйилмоқда.

Менинг бу хатни ёзишдан мақсадим бошқа. Тил ва адабиётга дахлдор одам бўлганим учун ғашга тегадиган бир ҳолат мени кўп ўйлантиради. Синфга кириб, йўқлама қилишни бошлашим билан ўзбек тили қоидаларига амал қилинмай, саводсизларча ёзилган фамилияларга дуч келаман – Джамалитдинов, Джаббарова, Камбаров, Эркинходжаева, Нурмугамедова... Хуллас, бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

Тўғри, булар бугун ё кеча пайдо бўлган хатолар эмас. Шўро тузуми даврида кўплаб давлат ташкилотларида, жумладан, фуқароликни қайд этувчи идораларда ҳам асосан "саводи ғовлаб кетган" одамлар ишлагани ҳеч кимга сир эмас. Улар ўзбек тилининг имло қоидаларига амал қилмай, ўзининг ақли етганича исм ва шарифларимизни ёзиб бераверди. Ҳеч ким уларга ўзбек тилида Джамалиддин, Джаббар, Камбар, Эркинходжа ёки Нурмугамед деган исмлар йўқ, Жамолиддин, Жаббор, Қамбар, Эркинхўжа, Нурмуҳаммад деб ёзсангиз тўғри бўлади, деган гапни айтмади. Ва охир-оқибат шу ҳолат юзага келди.

Майли, ўтган ишга салавот. Лекин мустақилликка эришганимизга салкам ўттиз йилга яқин вақт бўлган эса-да, шу хатони тузатишга ҳаракат қилмадик. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар ёки қонунчилик ташаббусига эга бўлган бошқа ташкилотлар бир пайтлар кимларнингдир айби ёки хатоси билан бузиб ёзилган, нотўғри талқин қилинган фамилия ва исмларни тўғрилаш бўйича қонун қабул қилайлик, деган ташаббус билан чиқмади.

Хайрият, сўнгги йилларда дунёдаги қадимий ва бой, миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлигимиз бўлган тилимизга эътибор кучайди. Президентимиз "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда тилимизни асраб-авайлаш ҳақида гапириб:

"Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир",

– дея алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон қабул қилингани эса тил масаласи бугун юртимизда яна ҳам улкан аҳамият касб этганидан далолат беради.

Шундай экан, менимча, юқорида тилга олинган хатони тузатиш вақти етди. Балки яқинда сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг янги таркиби шундай хайрли ташаббус билан чиқиб, фуқароларимизнинг исм-шарифларидаги нуқсонларни тузатишга хизмат қиладиган қонун қабул қилар. Бундай қонунни ишлаб чиқиш ун-чалик қийин бўлмаса керак. Унда илгари ўзбек имлоси қоидаларига зид равишда ёзилган барча исм-фамилияларни тўғрилаб ёзиш, шу асосда барча ҳужжатларни ўзгартириш лозимлиги кўрсатилса кифоя, деб ўйлайман.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Навбатчи: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатидан сифатли чоп этилишига "Kolor pak" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 345.
23 100 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А — 2.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Элбек кўчаси 8-уй.
ЎзА якуни — 22:30 Топширилди — 1:40 1 2 3 4 5 6

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона (0-371) 233-70-98 Котибият (0-371) 233-56-60 Эълонлар (0-371) 233-57-15